

**ТУТ ИПАК ҚУРТИ БИОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР ДАСТЛАБКИ  
МАЪЛУМОТЛАР**

**Валиханов Алихан Одилхон уgli**  
*ЎзМУ ІІ-босқич магистранти*

**Аннотатсия:** Тадқиқотлар соглом ва зарарланган тут ипак қуртларида олиб борилди. Қурт боқиши қадимдан жуда сермашақкат жараён ҳисобланади. Чунки 1 қути тут ипак қуртини Вёшгача боқиши учун 50-60 м<sup>2</sup> иссиқ ва нам жой керак бўлади. Айнан шу муаммо сабаб назоратдаги қуртлар учун кўп қаватли сўкичаклар таёргланди.

**Калит сўзлар:** зарарланиш, тут ипак қурти, хом-ашёси, экологик омиллар, пилла, гумбак.

**КИРИШ.** Адабиётлар таҳлилидан маълумки ипакчилик қадимдан тарақкий этган соҳалардан ҳисобланиб, тўқимачилик саноати ва ҳалқ хўжалигини табии Дунё бўйича Ўзбекистон республикаси ипакчилик буйича учинчи ўринда- 2013 йилда 25445 тонна ипак хом-ашёси билан таъминлайди. Лекин Республика бўйича етиштирилган пиллаларнинг сифат қўрсаткичларини таҳлил қилиб қўрилса, уни пиллачилик яхши ривожланган давлатларга қараганда 15-16% га паст эканлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам дунё бозорида бизда етиштирилаётган пилланинг нархи 2 бараварига арzonлигини кўрамиз. Бундай бўлишига асосий сабаблардан бири ипак қуртига ташқи экологик омилларнинг таъсири тўлиқ ўрганилмаганлиги, ипак қурти билан муҳит орасидаги ўзаро боғлиқлик жараёнлари ҳар томонлама илмий асослаш ишлари талаб даражасида аниқланмаганлигини кўрсатади. Етиштирилган пиллалар таркибида нуқсонли пиллаларнинг қайси турлари кўплаб учраши ва буларни содир бўлишида ташқи муҳитнинг қайси омиллари кўпроқ таъсир кўрсатаётгани, бу экологик таъсиротни қурт ривожланиши учун мўтадил қўрсаткичлари қандай бўлишлиги илмий асосланиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилса етиштирилаётган пиллаларнинг сифати талаб даражасига кўтарилиши мумкин. Бундан ташқари республикада етиштирилаётган пилла салмоғини ва бир қути қуртдан олинадиган ҳосилдорликни талаб даражасига етказиш учун экологик омилларнинг асосий қисми ҳисобланган озиқа миқдори ва сифати ҳамда озиқаланиш майдони каби масалаларни туман ва хўжаликларда ижобий ҳал қилиниши зарурлиги мавзунинг долзарблигини курсатади.

Шу сабабли турли хил омиллар таъсири доирасида пилла куртларини ривожланиш физологияси, уларни озикланиши шароитида пилла ҳосилдорлигини ўзгариш холатларини ўрганиш буйича 2021-2022 йиллар давомида Тошкент ипакчилик илмий-тадқиқот институтида мавжуд зотларга турли хил ташқи омиллар таъсир эттириш йули билан уларни уйкуга кетиши, биологик ёшларни ўзгариши таҳлил этилди. Тажриба синовлар намуна ва тажриба қутларидағи қуртларда олиб борилди. Олинган натижалар ўртача қўрсаткичи таҳлил этилди.

**Материал ва методика.** Тадқиқотлар соғлом ва заарланган тут ипак қуртларида олиб борилди. Қурт боқиши қадимдан жуда сермашаққат жараён ҳисобланади. Чунки 1 кути тут ипак қуртини V ёшгача боқиши учун 50-60 м<sup>2</sup> иссиқ ва нам жой керак бўлади. Айнан шу муаммо сабаб назоратдаги қуртлар учун кўп қаватли сўкичаклар таёrlанди. Бу холат қуртларни иссиқ ва тўқ бўлишига олиб келади. Кичик ёшдаги қуртларларга тут баргларини майдалаб 5-7 мм қирқиб берилади. Бу холат қуртларни тут дасталари ёки “тўшама” остида қолиб кетишини олдини олади ва қуртлар бир текис харакатланишига, ўсишига эришилади. Биринчи ва иккинчи ёшдаги қуртларга сутка давомида ҳар икки соатда 10-12 марта барг берилади. Қуртлар ёшдан-ёшга ўтиши билан уларга ажратиладиган жой ҳам кенгайтирилиб борилади. Бир қути қуртларни боқиши учун I-ёшда - 2 м<sup>2</sup>; II-ёшда - 5-6 м<sup>2</sup>; III-ёшда - 12- 15 м<sup>2</sup> сатҳдаги қурт боқиши майдони талаб этилади. Кичик ёшдаги қуртларни парваришлашда ҳаво ҳарорати ва унинг нисбий намлиги жуда катта аҳамиятга эга. Ипак қуртининг меъёрда ўсиб ривожланиш, қуртларнинг барг истемол қилиш фаоллиги, уларни қурт организмида ҳазм бўлиши ва ёшдан-ёшга ўтиши қуртхонадаги ҳароратга боғлиқ. Кичик ёшдаги қуртлар намлик ва иссиликка талабчан бўлиб қуртхонада ҳарорат 26-27° С, нисбий намлик 65-75 % ташкил этиши лозим. Қуртлар катта бўла бошлагач кесилган, яшил шохчалар билан боқилади. Қуртлар бешинчи ёшга ўтиши билан барглар 70-100 см узунликдаги тут новдаси билан қирқиб берилади. Қуртлар катта бўла бошлагач уларга ҳар 3 соатда барг солинади. Қурт боқишининг бу даврида ҳаво ҳарорати 24-25° С, нисбий намлик 60-65% бўлиши талаб этилади. Ҳарорат ёки намликнинг пасайиши қурт организмида турли касалликларни пайдо булиши, озуқанинг ҳазм бўлишини сусайтиради, бу ўз навбатида қуртлик даврининг узайишига ва пилланинг майда бўлишига олиб келади.

**2021 йил баҳор мавсумида боқилган Ипакчи-1 x Ипакчи-2 дурагайларни пилла маҳсулдорлиги**

Боқиши усули.	Боқилган қуртлар сони, дона	Олинган умумий пиллалар сони, дона	Ўртacha оғирлиги, г	Пиллаларни соғ оғирлиги, г
Кичик ёшларида намлик юкори булган шароитда боқилган қуртлар.	500	409	1,40	712,6.г 89%
Оддий усулда боқилган қуртлар.	500	406	1,26	637,56.г 80%

Катта ёшдаги қуртларни тўшамалаш катта аҳамиятга эга. Қурт чиқиндилари ўз вақтида олиб ташланмаса, уларнинг чириши натижасида заарарли газлар ажралиб чиқади ва турли касалликлар манбаи бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Тўртинчи ва бешинчи ёшларда тўшама биринчи марта қуртлар уйқусидан турган куннинг эртасига

алмаштирилади. Кейин эса тўшама қай даражада тўпланишига қараб олиб турилади. Тут баргларига тўйган қуртлар бешинчи ёшнинг 9-10 кунларига келиб озиқланишдан тўхтайди ва пилла ўраш учун қулай жой излай бошлайдилар. Бу даврга келиб қуртларга тутнинг баргли шохлари берилади. Озуқага тўйган қуртлар аста секин дасталарга кўтарила бошлайдилар. Қуртлар пилла ўраши учун табиий ўтлардан даста тайёрланади. Бунинг учун рапс, мингбош, оқбош, читир . ўтлардан дасталар тайёрлаш мумкин. Пилла ўраш даврида қуртларга тоза ҳаво, мўътадил  $25-26^{\circ}\text{C}$  ҳарорат ва нисбий намлик 60-65% бўлишини таъминлаш пилла ҳосилини мўл ва сифатли бўлишига олиб келади, биринчи ёшда эса биологик фаол модда билан тўйинтирилган тут барги ёрдамида боқилганда, ипак қуртининг ривожланиш даври 1-1,5 кунга қисқаришини, пилла вазнини ўртacha 0.004 граммга, ортганлигини ҳамда сифатсиз пиллалар миқдори эса 3,48% гача, нуксонли пиллалар миқдори 1,13% гача камайган.

Муаллифларнинг таъкидлашича ипак қурти зоти ва дурагайлари хусусиятларидан келиб чиқсан холда агротехник талабларга мос холда ипак қуртининг ёшлари бўйича етарли даражада боқиш майдони ва юқори сифатли озуқа билан таъминланиши хисобига, ипак қуртининг қуртлик даврини 0,5-1 кунга қисқаришига, 1 қути ипак қуртидан олинадиган ҳосилни 4-8 кг га кўпайишига ва етиширилган пилла сифати кўрсаткичларини 3,5-4% гача ошишига эришилган [1,2]. Маълумки, ипак қурти ўзининг ривожланиш даврининг бешинчи ёшини охирига келиб яъни 8-кунидан бошлаб уч кун давомида пилла ўрашга киришади, тўла пилла ўраб бўлган ипак қуртлари 36-48 соат давомида пилла ичида ғумбакка айланади. Лекин бир вақтда битта қуртхонада боқилаётган ипак қуртлари бирданига тенг пилла ўрашга киришмайди. Бешинчи ёшини саккизинчи куни 30-35 фоиз, тўққизинчи куни 45-50 фоиз, ўнинчи куни 10-15 фоиз ва ўнбиринчи куни эса қолган 5-10 фоиз ипак қурти пилла ўрашга киришади.

Тадқиқот натижалари Тошкент ипакчилик илмий-тадқиқот институтида ипак қуртига нур таъсир эттириб ва оддий усулда боқиш технологияси яратилган. Бу технология бўйича ипак қуртлари оддий усулда тўшамаларни вақтида олиб ташлаш усулида парваришланди. Бу усулда ипак қуртини парваришланганда, кичик ёшларидаги қуртларни озиқлантириш сони кескин камаяди, яъни 10-12 марта (оддий парваришланда усулида) ўрнига 2-3 марта озиқлантирилади. Натижада, пилла етиширишда озуқа ва меҳнат сарфи камаяди. Ипак қуртини парваришланда тут дараҳтининг бутун вегетация давридан унумли фойдаланиб, фақат баҳордагина эмас, балки, ёз-куз мавсумларида ҳам пилла етишириш имконини берган .

Ипак қуртини ўсиши ва ривожланишида қуртхоналарда яратилган микроиқлим шароитлар асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки ипак қуртининг қуртхонадаги ҳароратга бўлган сезгирлиги жуда юқори бўлади. Ипак қуртларини барг ейиши, уни ҳазм қилиши, бир ёшдан иккинчи ёшга ўтиши қуртхонадаги ҳаво ҳароратига боғлиқдир. Маълумотларга кўра, марказлашган усулда етиширилган пиллалардан олий нав пиллалар чиқиши 5,5 % дан 16,6 % га ошган. Учинчи навли ва яроқсиз пиллаларнинг ўртacha кўрсаткичи 14,2 % га камайган.

Масалан, ипак қуртларини I-III ёшда 27-28 °C ва 29-30 °C да боқилганда етиштирилган пиллаларнинг оғирлиги 26-27 °C даги боқилган пиллаларга нисбатан кўпроқ бўлган. Ипак қурти I-III ёшда 23 °C ҳароратда боқилганда етиштирилаётган пилланинг оғирлиги 1,75 гр; 25 °C да 1,82 гр; 28 °C да 1,95 грамм бўлган. Қуртхонадаги нисбий намликни ортиши билан ипак қуртининг юрак уриши ҳам ўзгариб боради. Масалан, қуртхонадаги нисбий намлик 60 % бўлса ипак қуртининг юраги минутига 39 марта уради. Нисбий намлик 75 % бўлса 42 марта, нисбий намлик 90 % бўлса 46 марта уради. Бу тажриба V-ёшдаги ипак қуртларида ўтказилиб нисбий намликни кўтарилиши билан овқат ҳазм бўлиш тезланиши ҳам аниқланган. Лекин нисбий намликни меъёридан ортиши қуртхонадаги тўшамаларни мөгорлашишига ва ипак қуртини касалликка чалинишига сабаб бўлади. Шунинг учун кичик ёшдаги ипак қуртларига нисбий намлик 70-75 %, катта ёшларда 60-70 % атрофида бўлиши ипак қуртининг яхши ривожланишига мақбул шароит ҳисобланади. **ХУЛОСА.** Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тут ипак қуртини боқиш даврида хонадаги намлик ва ҳарорат қуртларнинг озиқланишга, ўсишига, олинадиган пилла хом ашёсининг сифатига таъсир қиласи. Тадқиқотлар натижасида юқори ҳарорат ва намликда, биологик фаол моддалар билан туйинтирилган тут барглари билан боқилиши ипак қуртининг пилла ўраш тезлигини 1-2 кунга тезлаштириши аниқланди. Шунингдек, пиллаларнинг сифати кескин ўзгаради ва бу ўз навбатида пилладан олинадиган ипакнинг сифатига маълум даражада таъсир қиласи.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Ахунбобаев О.А., Мирзахонов М.М., Валиев Г.Н., Мухамадрасулов Ш.Х., Ахунбобаев У.О. Ипак қурти боқиш учун янги тузилишдаги қуртхона ва кўп қаватли сўкичак қурилмаси. Тўқмачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқиришни ташкил этишда илм-фан интеграциялашувини ўрни ва долзарб муаммолари ечими. //Тез. док. ҳалқ. илм. амал. конф. материаллари. 27-28 июль 2017. - Маргилон 2017. 1-қисм. -С. 102-109.
2. Ахмедов Н., Беккамов Ч., Солиева М. Ипак қуртларини навдор тут барглари билан озуқалантиришнинг ипак бези фаолиятига таъсири. //Зооветеринария. Т.: 2014. №9. Б.39-40.
3. Жуманова У., Ахмедов Н.А. Плёнка остида ипак қурти боқиш. //Зооветеринария. Т.: 2011. №7. Б.35-36.
4. Мирзаходжаев М., Мирзаходжаев Б., Умаров Ш., Содиков Д. Ипак қуртини чойшаб остида боқиш сўкичагини конструкцияси ва синов натижалари. //Ж. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. №2. – 2019. – 38 бет.
5. Нодиалиева Н., Валиев С. Ипак қуртининг маҳсулдорлик ва наслдорлик хусусиятларига уруғ жонланиш фоизини таъсири. // “Пиллачиликда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси” Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2008. 44-48-б.

6. Орипов С., Жабборов Х., Валиев С. Пилланинг такомиллаштирилган қуритиш агрегати. //Агроилм. – Тошкент, 2015. - №5. 49-50-6.
7. Рахимов А.Ю. Пилла етиштириш жараёнида биологик фаол моддаларнинг роли. //Тўқмачилик муаммолари. -2007. -№2. - С. 41.
8. Салимджонов С. Совершенствование технологии повышения продуктивности тутового шелкопряда и переработка коконов в условиях северного Таджикистана. // Автореферат. дисс. канд. с/х. наук. – Душанбе, 2011. - С. 16-19.
9. Умаров Ш.Р. Баҳор мавсумида навдор тут баргларида сув миқдорининг ўзгариши ва унинг пилла ҳосилдорлигига таъсир. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2006. - №7. 27-6.
10. Xalilovich, G. K., Mamatyusufo'g'li, M. A., Abdulazizovna, X. B., Maxammadzikirovna, G. O., & Tursunaliyevna, T. M. (2021). " THE IMPACT OF ENVIRONMENTAL POLLUTION ON THE VARIABILITY OF FRUIT GARDENS AND SOILKOMOMOKOMPLEXES (FERGANA-MARGILAN-QUVASOY INDUSTRIAL NODE)". *Journal of Contemporary Issues in Business & Government*, 27(4).
11. Sadokat, S. A., Ominakhon, M. G., & Maftuna, T. T. (2021). The Importance of the Study of Dendrofag Solids in the Fergana Valley. *Annals of Plant Sciences*, 10(12), 4467-4469.
12. Akbarova, M. X., Bekchonova, M. F., GOfurova, O. M., & Usmanova, T. E. (2021). The Medicinal Types Of Scutella (Lamiaceous) Group Spread Over Fergana Valley. *The American Journal of Applied sciences*, 3(04), 105-110.
13. Yuldasheva, S., Gofurova, O., & Askarova, G. (2022). PROSPECTS OF CROP GROWING AND SIGNIFICANCE. *Science and innovation*, 1(D6), 298-302.
14. Muhammadzikirovna, G. O. (2022). Trophic feeding of soybean pests with other plants. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 12, 16-19.
15. Muhammadzikirovna, G. O. (2022). SOYBEAN PESTS AND THEIR TROPHIC RELATIONSHIPS IN THE CONDITIONS OF CENTRAL FERGANA. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 9, 193-196.
16. G'Ofurova, O. M., Sodiqova, M. B. Q., & Aminjonova, G. F. Q. (2022). SOYA O'SIMLIGINI MORFOLOGIK XUSUSIYATLARI VA UNDA UCHRAYDIGAN KASALLIKLAR XUSUSIDA. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(11), 100-106.
17. Shamuradovna, M. M. F., Mirzakarim o'g'li, M. M., & Shokirovna, A. S. (2022). POLIZ QONGIZI-EPILYAXNA (EPILACHNA CHRYSOMELINA) NING RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(13), 702-706.
18. Mirzakarim o'g'li, M. M., & Axmadali o'g'li, Y. A. (2022). BIOLOGIYA DARSLARIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(13), 692-696.
19. kizi Sodikova, M. B., & Isagaliyeva, S. M. RHYACHITES AARATASS AND RHYNE KITES AURATAS S. SP. BIOECOLOGICAL PROPERTIES OF TYPES.

20. Tursunaliyevna, T. M. (2022). Soft of Wheat New Varieties in Cultivation Modern Technologies. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(10), 126-129.
21. Ma'rupov, A. A. (2021). MATERIALS FOR STUDYING CITY BARBELL (COLEOPTERA, CERAMBYCIDAE). Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(2), 102-110.
22. Маърупов, А. А., & Сапаров, Қ. А. (2022). ФАРФОНА ВОДИЙСИ УЗУНМЎЙЛОВ ҚЎНФИЗЛАРИНИНГ (СОЛЕОПТЕРА: СЕРАМБЙСИДАЕ) ЭКОЛОГИК-ФАУНИСТИК ТАҲЛИЛИ. International scientific journal of Biruni, 1(2), 100-107.
23. Мирзахалилов, М. М. Ў. (2022). ГИДРОХИМИЧЕСКИЙ СОСТОЯНИЕ ПРУДОВ РЫБОВОДНЫХ ХОЗЯЙСТВ И СЕЗОННЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ИХ. International scientific journal of Biruni, 1(2), 108-113.
24. Ахмедов, М. Х., & Ахмаджанова, С. А. (2011). К экологии щелкунов (COLEOPTERA, ELATERIDAE) ферганской долины. Аспирант и соискатель, (2), 157-159.
25. Ахмаджонова, С. Ш., Хамзаев, Р. А., & Халимов, Ф. З. (2019). Трофические связи *Agriotes meticulosus* (Coleoptera: Elateridae) в естественных и искусственных биоценозах. Бюллетень науки и практики, 5(7), 20-27.
26. Ахмаджонова, С. Ш., & Каюмова, О. И. (2021). Биология фанини ўқитишида муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш. Общество и инновации, 2(4/S), 42-45.
27. Ахмаджонова, С. Ш., & Рахимова, Д. Х. (2020). К экологии щелкунов (coleoptera, elateridae) Ферганской долины. Общество и инновации, 1(2/S), 319-322.
28. Akhmadjonova, S., & Turkistonova, M. (2020). USE OF DIDACTIC GAME TECHNOLOGY IN TEACHING YOUTH PHYSIOLOGY LESSONS. In ПРОРЫВНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ПРОБЛЕМЫ, ЗАКОНОМЕРНОСТИ, ПЕРСПЕКТИВЫ (pp. 171-173).
29. Abarjon o'g'li, A. A., & Barchinoy, M. (2022). YER USTI VA OSTI SUVLARINI IFLOSLANTIRUVCHI ASOSIY MANBALAR. IJODKOR O'QITUVCHI, 2(20), 216-219.
30. Xalmatova, S., Gaybullayeva, M., & Akramov, A. (2022). O 'SIMLIKLAR OLAMIGA INSON FAOLIYATINING SALBIY TA'SIRI, HAMDA UNI OLDINI OLISH CHORA TADBIRLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 947-953.
31. Xalmatova, S., & Akramov, A. (2022). KIMYOVIY O 'G 'ITLAR TARKIBIDAGI TURLI MODDALAR ORQALI TUPROQLAR QATLAMINI IFLOSLASHI VA UNING OLDINI OLISH CHORA TADBIRLARI. International scientific journal of Biruni, 1(2), 4-7.
32. Kholikov, M. Y., Bekchonova, M. F., Kayumova, O. I., Yoqubov, A. A., & Usmanova, T. E. (2021). Protection of animals from the attack of blood-sucking pincers. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(8), 211-215.
33. Назаров, М. Ш. (2022). ВЛИЯНИЕ РАЗНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ

НА БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЫБ. THE EFFECT OF DIFFERENT ECOLOGICAL ENVIRONMENTS ON THE BIOECOLOGICAL CHARACTERISTICS OF FISH. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 839-842.

34. Mansurjonova, G. (2020). The Main Notions Of Linguoculturology. Интернаука, (27), 85-86.

35. Ahmadjonova, S., Hamzaev, R., & Halimov, F. (2019). Trophic Relations Agriotes meticulous (Coleoptera: Elateridae) in Natural and Artificial Biocenosis. Бюллетень науки и практики.

36. Ahmadjonova, S. S., & Halimov, F. Z. (2019). FRUITFULL INFORMATION ABOUT TURKESTAN BEETLE. In EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY (pp. 50-53).